

Сўз санъатининг бошланиши фольклордадир

Жорий йилнинг 13 декабр куни “Огаҳий” таваллудининг 210 йиллиги муносабати билан “Б” ўқув биноси 4 - қаватида жойлашган мажлислар залида “ИБРАТЛИ, ИЖОДҚОР ИНСОНЛАР” рукнида Хоразм бахшичилик мактаби ижодкорларидан бири Матякубов Отахон бахши билан учрашув ўтказилди.

Учрашувда “Гидротехника қурилиши” факультети талабаларидан 160 нафар талаба ҳамда профессор-ўқитувчилар иштирок этишди. Тадбирни Р.Жуманиязов кириш сўзи билан очиб, бахшилик санъати бўйича йиғилиш иштирокчиларига маълумот берди-да ва меҳмон Отахон бахши Матякубовга навбат берди.

Маърузачи ўз ижоди ҳақида тадбир иштирокчиларига сўзлаб берди ҳамда шогирдлари билан ўзининг ижодидан ҳамда “Огаҳий” ғазалларидан ижро этиб берди. Тадбир сўнгида Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Р.Қ.Чориев меҳмонни институт раҳбарияти номидан табриклади.



“ГТҚ” факультети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари А.И.Азимов ахбороти

Институт Матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов